

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped. 83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ ТУРГУН САЛАХИДДИНОВИЧ

***HOMELAND, MOTHERLAND, PATRIE* МАКРОКОНЦЕПТЛАРИГА
ХОС ОБРАЗЛИ ТАСАВВУР ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
ДИСКУРСИВ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Science**

Исмаилов Тургун Салахиддинович

Homeland, Motherland, Patrie макроконцептларига хос образли

тасаввур ва қадриятларнинг дискурсив тақдим этилиши 3

Исмаилов Тургун Салахиддинович

Дискурсивная репрезентация образных представлений и ценностей,

характерных для макроконцептов *Homeland, Motherland, Patrie* 29

Ismailov Turgun Salahiddinovich

Discursive representation of images and values characterising

macroconcepts *Homeland, Motherland, Patrie* 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped. 83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ ТУРГУН САЛАХИДДИНОВИЧ

***HOMELAND, MOTHERLAND, PATRIE* МАКРОКОНЦЕПТЛАРИГА
ХОС ОБРАЗЛИ ТАСАВВУР ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
ДИСКУРСИВ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil444 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdchi.uz) ҳамда “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Носиров Абдурахим Абдумуталибович филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Насруллаева Нафиса Зафаровна филология фанлари доктори, профессор Маматқулов Абдулҳапиз Латипович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллар илмий даражалар берувчи PhD.29.06.2019..Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг “24” декабрдаги 2021 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй Тел.: (99866) 223-78-43, факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchi.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (60860 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: Манзил140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй Тел.: (99866) 223-78-43.

Диссертация автореферати 2021 йил “16” декабр куни тарқатилди.
(2021 йил “16” декабрдаги № 36 рақамли реестр баённомаси).

И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил вакилларининг миллий маданияти, дунёқараши, урф-одатлари, ҳаёт тарзи, анъаналари ва миллий қадриятларини ўзида мужассам этган макроконцептларни лингвистик тадқиқ қилиш ва шу орқали барча инсонлар учун мулоқот воситаси бўлган тилнинг умумий ва хусусий лингвистик қонуниятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Образли тасаввур ва қадриятларнинг коммуникатив имкониятлари когнитив тилшунослик, лингвокультурология, прагмалингвистика, стилистикасингари йўналишларнинг тадқиқот объектига айланиши аксиологик коннотацияларнинг прагматик жиҳатларини ўрганиш, тиллараро ва маданиятлараро мулоқот доирасида инсонлар ўртасида кечадиган муносабатларнинг онтологик моҳияти ва лингвокогнитив механизмини ўрганишни тақазо этади.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида лингвомаданиятшунослик аспектида инсоннинг ҳиссий, эстетик баҳоларини ифодаловчи тил бирликларини лисоний-нутқий, маданий ва миллий менталитет нуқтаи назаридан тадқиқ этиш жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, *Ватан* макроконцептларига хос образли тасаввур ва қадриятларнинг дискурсив хусусиятларини чоғиштирма аспектда ўрганиш, умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш, ҳар бир тилда образли тасаввур ва қадриятлар маъносининг дискурсив воқеланишига таъсир кўрсатадиган прагмалингвистик омилларни ўрганиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида *ватан* макроконцептига хос образли тасаввурлар ва қадриятлар тизимларини замонавий тамойиллар татбиқида тадқиқ этиш, жаҳон фанида амалда бўлган илғор ғояларни ижодий ўзлаштириш тажрибаси шаклланмоқда. Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигининг янги босқичга кўтарилиши хорижий тиллар тадқиқи ва таълимини маълум бир тил соҳибларининг маданияти, менталитети, ижтимоий муносабатлари ва дунёқарашидаги ўзига хослик асосида ташкил қилиш зарурлигини ва тилшунослик соҳасидаги изланишларни назарий ва амалий жиҳатдан янада юқори босқичга кўтариш лозимлигини кўрсатмоқда. “Она Ватанимизни равнақ топтириш, юртимизда илмий муҳитни юксалтириш, халқимизда, айниқса, ёшларда илм-фанга интилишни кучайтириш, илмий-техникавий, инновацион соҳаларни янада тараққий эттириш”¹ давлат сиёсатининг устувор йўналиши экан, муайян халқ маданияти, менталитети ва миллий ўзлигини акс эттирувчи образли тасаввурлар ва қадриятларнинг дискурсив тақдим этилишини назарий жиҳатдан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 179.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, 2018 йил 5 июндаги ПК-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда *Homeland*, *Motherland*, *Patrie* макроконцептлари оламининг фалсафий, тарихий, маданий ва гендер хусусиятлари ва тушунчавий таркиби масалалари доимо олимларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда. Хусусан, америка маданиятига хос *Homeland* макроконцептини таърифлашга бир қатор олимлар ўз тадқиқотларини бағишлаган². *Motherland* макроконцепти тўғрисида ҳам инглиз маданиятига хос эътиборга молик маълумотлар тадқиқотчиларнинг ишларида тақдим этилган³. Француз маданиятида *Patrie*

²Kingdon J.W. America the unusual. Boston, MA: Worth publishers, 1999. - 111 p.; Lipset S.M. Continental divide: The values and institutions of the United States and Canada. New York, NY: Routledge, 1990. - 337 p.; Tocqueville A.D. Democracy in America. New York: Vintage Books, 1990. -480 p.; Voss K. The making of American exceptionalism. Ithaca, NY: Cornell University press, 1994. - 290 p.; Сандомирская И. И. Книга о Родине. Опыт анализа дискурсивных практик. Wien : Gesellschaft zur Förderung law istischer Studien, 2001. - 281 S.; Гришина О.А. Актуализация концепта АМЕРИКА в современном русском языке // Концепт. Образ. Понятие. Символ: Коллективная монография / Отв. ред. М.В. Пименова. – Кемерово: Комплекс «Графика». 2004. - С. 209–222; Кожанов Д.А. Концепт "Homeland" в американской картине мира и способы его языковой репрезентации: Автореф. дис. ... канд.филол. наук. Барнаул, 2006. – 24 с.; Дугин А. Абсолютная Родина. Пути Абсолюта. Метафизика Благой Вести. Мистерии Евразии. М.: «АРКТОГЕЯ - центр», 1999. - 752 с.; Урусова О.А. Америка //Антология концептов. Под ред. В.И. Карасика, И.А. Стернина. Том 2. Волгоград: Парадигма, 2005. – С. 4-24.

³O'Driscoll, James. Britain. The country and its people: an introduction for learners of English. — Oxford: Oxford University Press, 1995. – 225 p.; Kumar, K. The Making of English National Identity. – Cambridge University Press, 2003. – 382 p.; Hofstede, Geert H. Cultures and Organisations: Software in the mind. - London: McGraw-Hill Book company (UK) Limited, 1991. – 279 p.; Paxman, Jeremy The English: A Portrait of a People. – London: Penguin Group, 1999. – 308 p.; Фокс К. Наблюдая за англичанами. Скрытые правила поведения. – М.: Рипол Классик, 2008. – 512 с.; Майол Э., Милстед Д. Эти странные англичане/пер. с англ. И.Тогоевой. – М.: Эгмонт Россия Лтд., 2001. – 72 с.; Бутенко Е.Ю. Концептуальная парадигма мировоззренческого феномена “class” в аксиологической система британской лингвокультуры: монография. М.: Финансовый университет, 2014. – 228 с.; Овчинников В. Корни дуба. Впечатления и размышления об Англии и англичанах. № 4-7 –

макроконцептининг ўрни ва унга хос қадриятлар тизими махсус диссертация тадқиқотларининг объектини ташкил қилган⁴. *Ватан* макроконцепти корпусини қиёсий тадқиқ қилиш масалаларига бир қатор ишларда эътибор қаратилган⁵. *Ватан* тушунчаси билан билвосита боғлиқ концептларнинг шаклланиши ва ижтимоий қадриятлар⁶, лингвистик деривация ва семантик категориялаштириш⁷, лингвистик бирликларнинг дискурсив прагматик жиҳатлари ва олам миллий манзарасининг таржимада қайта яратилиши⁸ масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган. Бироқ *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептлари оламининг образли тасаввурлар ва миллий қадриятлар воситасида дискурсив тақдим этилишининг комплекс тадқиқи амалга оширилмаган.

М.: Новый мир, 1979. – 608 с.; Подкопаева А.А. Вербализация художественного концепта "Home/House" в произведениях английских писателей XIX-XX вв.: Дисс. ... канд. филол. наук. Ставрополь, 2010. – 234 с.

⁴ Chevallier Raymond. La Patrie. Paris: Presse Universitaire de France, 1998. – 128 p.; . Pelouille B. Le vocabulaire des notions «nation», «Etat», «patrie». Quelques résultats d'enquête // Revue française de science politique, 1983. vol 33, n.1. – P.65-108.; Jean de Viguerie. Les Deux Patries: essai historique sur l'idée de patrie en France. P.: Dominique Martin Morin, 2017. – 261 p.; Caron J-C. La Nation, l'État et la démocratie en France de 1789 à 1914, Armand Colin éditeur, 1995, (ISBN 2200216440); Rémi-Giraud Sylviane. Le micro-champ lexical français: people, nation Etat, pays, patrie // Les mots de la nation, sous la direction de Sylvianne Remi-Giraud et Pierre Retat. Lyon. Presses universitaires de Lyon, 1996. – P.19-39.; Кирнозе З. И. “Французское” // Межкультурная коммуникация. Учебное пособие. Нижний Новгород, 2001. – 314 с.; Местр, Ж. М. де. Рассуждения о Франции. М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 1997. – 216 с.; Обичкина Е.О. Франция на рубеже XX-XXI веков: кризис идентичности: Монография. М.: МГИМО, 2003. – 137 с.; Япп, Н. Эти странные французы / Н. Япп, М. Сиретт. [Электронный ресурс]. – URL : http://lib.aldebaran.ru/author/yapp_nik/yapp_nik_y (дата обращения: 14.08.2007).

⁵ Свицова, А.А. Лингвокультурная доминанта «Дом Родина - Чужбина» в русских и английских пословицах: Автореф.... дис. канд. филол. наук. Ижевск, 2005. – 20 с.; Мукосеева Е.А. Словесно-художественный комплекс Родина в русских и французских песнях первой половины XX века: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. СПб., 2009. – 18 с.; Есмурзаева Ж. Б. Концепт «родина» (в русском и английском языках) в системе ценностных концептов языковой картины мира // Альманах современной науки и образования Тамбов: “Грамота”, 2008. № 2. – С. 53-55; Исаева Э.М. Репрезентация понятия “любовь к родине” в языковом сознании аварского, русского и английского народов // Современные проблемы науки и образования. – 2014. № 5 URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=15022> (дата обращения: 22.01.2021).

⁶ Маматов А.Э. Социокультурные ценности как фактор сближения народов // Сборник материалов научно-практической конференции “Социально-экономическое и общественно-политическое развитие Южно-Казахстанской области”. Шымкент, 2006. – С. 135-137; Маматов А.Э. Лингвомаданиятшунослик: лингвокультура ва логоэпистема // Хорижий филология, №1, 2015. – 9-15 б.; Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: Филол.фан.докт (DSc) дис. Автореф. – Тошкент, 2018. – 30 б.; Жўраева М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: “Фан”, 2008. – 294 б.

⁷ Турниязов Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. Самарқанд, 1990. – 128 б.; Маматов А.Э. Ҳозирги француз тилида фразеологик деривация // Тил таракқиётининг деривацион қонуниятлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2009. – Б.17-21; Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантук ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. Тошкент: Фан, 2005. – 224 б.; Мирзаев И.К. Сўзнинг денотатив маънолари ҳақида // Филологиянинг долзарб муаммалари: Илмий мақолалар тўплами. Самарқанд: СамДУ, 2011. – Б. 18-21; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: Фан, 2007. – 272 с.

⁸ Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. Монография. Тошкент: ” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2008. – 318 б.; Сафаров Ш.С. Семантика. Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 344 б.; Ширинова Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. док. ... дисс. автореф. Т., 2017. – 56 б.; Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш (эквивалентлик ҳодисаси асосида): Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2018. – 230 бет.; Киселев Д.А. Француз тили мустақил сўз туркумлари репрезентатив функциясининг дискурсив-прагматик жиҳатлари: Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2019. – 71 б.

Ватан макроконцептининг тушунчавий таркиби немис, рус, ўзбек тиллари материалида ҳам махсус тадқиқотларнинг объекти сифатида турли ёндашувлар асосида ўрганилган. Масалан, немис тилшунослигида *Heimat* концептининг тушунчавий таркиби масаласи⁹, *Heimat* концептининг иерархик тузилиши, ватан ва миллат тушунчалари¹⁰ каби мавзулар таҳлил қилинган. Немис бадий дискурсида *Heimat* когнитив маъносининг тараққиёти ва *Германия* концептининг Россия публицистикасида воқеланиши масалари Е.М.Игнатова ва О.А.Куданкинанинг номзодлик диссертацияларида тавсифланган¹¹.

Рус тилшунослигида ҳам *Ватан* концептининг лингвистик табиатини тавсифлашга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган¹². Хусусан, С.Есенин оламининг бадий манзарасида *Ватан* тушунчасининг воқеланишини С.Н.Бабулевич ва М.М.Шитьковалар тадқиқ қилишган¹³. А.И.Попов ва Я.А.Гимаевлар мактаб дарсликлари ва ўқувчиларида *Ватан* концептини воқелантириш масалаларини кўриб чиқишган¹⁴, рус миллий менталитетида Она-Ватан образининг тасаввур этилиши Н.В.Багичева томонидан тавсифланган¹⁵. И.А.Юрьеванинг диссертациясида *Россия* концепти XX аср ва XXI аср бошида рус миллий дунёси манзарасининг бир парчаси сифатида тадқиқ этилган¹⁶.

⁹ Greverus I-M. The "Heimat" Problem. Der Begriff "Heimat" in der deutschen Gegenwartsliteratur = The concept of "Heimat" in contemporary German literature [Text]. München: Iudicium-Verlag, 1987. - 242 S.; Bausinger H. Heimat in einer offenen Gesellschaft. Begriffsgeschichte als Problemgeschichte // Kelter J. (Hg.). Die Ohnmacht der Gefühle. Heimat zwischen Wunsch und Wirklichkeit. Weingarten, 1986. - S. 89-115; Hermand J., Steakley J. (eds). Heimat, Nation, Fatherland. The German Sense of Belonging. New York: Peter Lang, 1996.

¹⁰ Jablkowska, Jo. Zwischen Heimat und Nation. Das deutsche Paradigma? Zu Martin Walser [Text]. Tübingen: Stauffenburg Verlag Brigitte Narr GmbH, 2001. - 306 S.; Greverus I-M. Auf der Suchenach Heimat [Text]. München: C.H. Beck Verlag, 1988. - 303 S.; Криворотова К. В. Иерархическое строение концепта Heimat (на основе анализа словарных дефиниций и диалектных данных немецкого разговорного языка) // Вестник Ленинградского государственного университета им. А. С. Пушкина. 2012. - С.149-157.

¹¹ Игнатова Е.М. Концепт "Родина" в идеологическом дискурсе: на материале немецкой политической пропаганды 20-40-х гг.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. М., 2008. - 21 с.; Куданкина О.А. Актуализация концепта Германия в российской публицистике: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Архангельск, 2005. - 21 с.

¹² Багичева Н. В. Образ Родины-матери в русском национальном менталитете // Лингвокультурология. 2008. № 2. - С. 33-38; Булгаков С. Н. Моя Родина: к 125-летию со дня рождения: избранное / сост. А. П. Олейникова, Л. А. Беляева, А. Ю. Максимов. Орел: Изд-во Орловской гос. телерадиовещат. компании, 1996. - 240 с.; Воркачев С. Г. Страна своя и чужая: идея патриотизма в лингвокультуре: монография. М.: ИНФРА-М, 2013. - 151 с.; Ильин И. А. Родина и мы. Смоленск: Посох, 1995. - 511 с.; Скворцов А. А. Родина и мир. М.: МАКС Пресс, 2006. - 228 с.; Струве П. Б. Patriótica. Россия. Родина. Чужбина. СПб.: Изд-во РХГИ, 2000. - 349 с.; Телия В. Н. Наименование РОДИНА как часть социального концепта «Patria» русском языке // Языковая категоризация. Материалы круглого стола, посвященного юбилею Е.С. Кубряковой по тематике её исследования. - М., 1997. - С. 77-79.

¹³ Бабулевич, С.Н. Цветообозначения как средство реализации концепта «Родина» в художественной картине мира С. Есенина: Дис. ... канд. филол. наук. Калининград, 2004. - 181 с.; Шитькова М.М. Образ родины в поэзии М.А. Волошина и С.А. Есенина: Лингвостилистический аспект: дис. ... канд. филол. наук. М., 1999.

¹⁴ Гимаев Я.А. Актуализация концепта Родина в школьных учебниках по литературе и в массовом сознании учащихся: Дисс. ... канд. филол. наук. М., 2010. - 214 с.; Попов А.И. Развитие образа Родины у школьников: Дисс. ... канд. психол. наук. Волгоград, 2005. - 176 с.

¹⁵ Багичева Н. В. Образ Родины-матери в русском национальном менталитете // Лингвокультурология. 2008. № 2. - С. 33-38.

¹⁶ Юрьева И.А. Концепт РОССИЯ как фрагмент русской национальной картины мира периода XX- начала XXI вв.: Диссертация ... канд. филол. наук. Магнитогорск, 2008. - 235 с.

Ўзбек тилида *Ватан* туйғуси ва ғояларини тарихий, этномаданий, сиёсий нуқтаи назардан ўрганишга бағишланган тадқиқотларда *ватан* тушунчасининг саждагоҳ каби муаққадаслиги, *ватан* равнақи, гўзаллиги, у билан фахрланиш ва уни ҳимоя қилиш ҳамда *ватан* манфаати учун хизмат қилишга оид қимматли маълумотлар берилган¹⁷. Ватан тушунчасининг Ўзбекистон маданияти ва ўзбек халқи менталитетида шаклланган миллий ва умуминсоний қадриятлар билан узвий равишда концептуаллашиши ҳақида ҳам фикрлар билдирилган¹⁸. Ўзбек тилида миллий қадриятларни ифодаловчи тил воситалари, ўзбек ва инглиз тилларининг манзарасида *Ватан* концепти билан боғлиқ мақоллар таҳлил қилинган¹⁹.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади америка, британ ва француз лингвомаданий ҳамжамиятларида тилларнинг бирликлари таркибида *кичик ватан* ва *катта ватан*га хос образли тасаввур ва қадриятлар воқеланишининг этномаданий хусусиятларини белгилаш ва уларнинг дискурсив тақдим этилишини таъминлайдиган лингвопрагматик мезонларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ватан макроконцептининг мазмуни, таркибий қисмлари ва тиллараро лексик манзарасини очиб беришда таяниладиган тамойилларни белгилаш;

ватан макроконцепти мазмун структураси тараққиётидаги миллий ўзига хос деривацион жараёнларнинг моҳиятини ёритиш;

кичик Ватан таркибидаги пойтахт шаҳарлар ва астионимлар ҳақида шаклланган этноспецифик тасаввурларнинг дискурсив тақдим этилиши ҳолатларини очиб бериш;

*катта Ватан*га хос миллий қадриятларни белгилашнинг дискурсив мезонларини ишлаб чиқиш;

америка, британ, француз маданияти ва менталитетида шаклланган ватанга муносабатни тасвирлаш мақсадида миллий қадриятларнинг дискурсив тақдим этилишини этномаданий кўрсаткичлар бўйича таснифлаш.

¹⁷Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 278 б.; Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. – 396 б.; Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. Т: “Sano-standart”, 2015. - 46 б.; Тўхтаев А. Ватанимизнинг муқаддас остонаси // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2009. № 3. - Б. 56-59.

¹⁸Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т; “Ўзбекистон”, 1998. – 333 б.; Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. Т; “Ўзбекистон”, 1997. – 48 б.; Ризо Б. Қадди ва қадри баланд Ватан // Респ. маънавият ва маърифат кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илм.-амалий маркази. Т.: Маънавият, 2009. – 125 б.; Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. -Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 200 б.

¹⁹Ишқобилова Х. Ш. Миллий қадриятларни ифодаловчи тил воситалари ва уларнинг тилшуносликда ўрганилиши //Сўз санъати журнали. №4 (2019). Тошкент, 2019. - Б. 24-34.; Файзиева А. Ўзбек ва инглиз тилларининг манзарасида “Ватан” концепти билан боғлиқ мақоллар таҳлили // Ўзбек шарқшунослиги: Илмий мақолалар тўплами 11. Тошкент, 2020. – Б.432-441.

Тадқиқот объекти сифатида *Homeland, Motherland, Patrie* ҳаётига хос образли тасаввурлар ва қадриятларни ифодаловчи лисоний бирликлар танланган.

Тадқиқот предмети *Homeland, Motherland, Patrie* ҳаётига хос образли тасаввурлар ва қадриятларнинг семантик, лингвомаданий мазмуни ҳамда дискурсив тақдим этилишини таъминлайдиган лингвопрагматик мезонлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда семантик таснифлаш, дискурс таҳлил, контекстуал таҳлил, лингвостатистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мавжуд илмий адабиётларни танқидий ўрганиш асосида Ватан макроконцептининг тушунчавий таркиби, уларни воқелантирувчи лисоний бирликлар ва макроконцепт мазмун структурасини очиб беришда таяниладиган тамойиллар гуруҳланган;

homeland, motherland, patrie макроконцептлари мазмун тараққиётидаги деривация жараёни кенгайтиш, торайиш ва чуқурлашиш моделлари бўйича амалга оширилиши ёритиб берилган;

кичик Ватан таркибидаги пойтахт шаҳар ва астионимлар тўғрисида миллий лисоний шахс онгида шаклланган образли тасаввурларнинг пойтахт шаҳарлари билан боғлиқ образларни ва астионим номларига хос этносемантик ҳамда этномаданий маълумотларни дискурсив акс эттириш ҳолатлари тизимлаштирилган;

муайян қадрият белгиларининг дискурсда миқдор жиҳатдан вербал тақдим этилиши, унинг жамият ва мамлакат учун аҳамияти, мақсад, вазифа ёки кураш объекти сифатида намоиш этилиши, миллий онгда тасаввурларнинг шаклланганлиги уларнинг катта Ватанга хос миллий қадриятлилигини тасдиқловчи мезонлар эканлиги далилланган;

миллий маданий ривожланиш жараёни асосида америка, британ, француз миллатларига хос қадриятлар тизимининг шаклланиши ва уларнинг дискурсив тақдим этилиш хусусиятлари этномаданий кўрсаткичлар бўйича таснифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

америка, британ, француз маданиятида мавжуд бўлган ватан ҳаётига хос образли тасаввурлар ва миллий қадриятларнинг таркибий кўрсаткичлари аниқланган;

кичик Ватан ҳақидаги этноспецифик фикрларнинг аксиологик тавсифи ва *катта Ватанга* хос миллий қадриятларни белгилашнинг дискурсив мезонлари ишлаб чиқилган;

америка, британ, француз маданиятидаги ватанни улуғловчи қадриятлар мазмунининг дискурсив тақдим этилиш йўллари ва статистикаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, объектға ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий фикр ва хулосалар кон-

текстуал, компонент, дистрибутив, семантик ва прагматик ҳамда лингвостатистик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептлари мазмун тузилишини таҳлил қилиш асосида *кичик Ватанга* хос образли тасаввурлар ва *катта Ватанга* хос қадриятлар тизимининг аниқланганлиги билан, миллий қадриятларнинг тақдим этилишида президент нутқларининг ўрни кўрсатиб берилганлиги билан, когнитив семантика, қиёсий лингвомаданиятшунослик ва прагмалингвистика соҳалари тадқиқот кўламининг бойитилгани ҳамда дискурс турларининг лингвопрагматик хусусиятлари ёритилганлиги, олинган назарий хулосалар концептлар мазмунининг семантик таркибий қисмлари ва миллий маданий табиатини асослашда, уларнинг дискурсив-прагматик хусусиятларини ёритишда келгуси тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида когнитив тилшунослик, лингвопрагматика ва лингвомаданиятшунослик, лексикология ва стилистика фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда, замонавий лингвистика, матн тилшунослиги, дискурс ва лингвопрагматика соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилишда, янги кўринишдаги ўқув кўлланмалари, маъруза матнларини яратишда, турли диссертацион тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Homeland, motherland, patrie* макроконцептларига хос образли тасаввур ва қадриятларнинг дискурсив тақдим этилиши” мавзусидан чиқарилган илмий натижалар асосида:

homeland, motherland, patrie макроконцептларига хос образли тасаввур ва қадриятларнинг этномаданий хусусиятлари, *Ватан* макроконцептининг мазмун кўлами ва таркиби каби масалаларга оид қарашлар муайян тартибга туширилганлиги ва таълимот даражасига кўтарилганлигига доир илмий-назарий хулосалардан Европа Иттифоқи томонидан Эразмус+ дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SVNE-SP-ERASMUS+SVNE IMEP: «Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш» номли лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9-февралдаги 89-03-772-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек таълим тизимида *ватан* тушунчасининг тиллараро лексик манзарасини ўрганиш, *кичик Ватан* ҳақида этноспецифик тасаввурларнинг дискурсив тақдим этилишини белгилаш, *катта Ватан* тушунчасини миллий америка, инглиз ва француз қадриятлари воситасида дискурсив тасаввур қилиш ҳақидаги хулосалар олий ўқув юрти талабаларида тиллараро ва

маданиятлараро компетенцияни шакллантириш ва миллий кадриятлар соҳасидаги билим-кўникмаларни халқаролаштириш имконини берган;

homeland, motherland, patrie макроконцептларининг тушунчавий ва образли таркиблари, мазмун тузилиши тараққиётидаги деривацион жараёнлар, пойтахт шаҳарлар ва астионимлар тўғрисидаги этноспецифик тасаввурларни тизимлаштириш билан боғлиқ усуллардан 2014-2015 йилларда амалга оширилган И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2021 йил 9-февралдаги 89-03-772-сон маълумотномаси). Натижалар америка, инглиз ва француз маданиятида шаклланган образли ва кадриятли тасаввурларни таҳлил қилиш, уларнинг дискурсив тақдим этилиш усулларини ўрганиш ўзбек олий таълим тизимида чет тилни мутахассислик предмети сифатида ўқитиш жараёнида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш имконини берган;

катта Ватанга хос кадриятлар тизимини миллий, маданий, сиёсий ва ижтимоий белгиларига қараб талқин этиш, *Ватан* макроконцепти мазмун тузилиши тараққиётидаги миллий сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнларни фарқлашга доир материаллардан Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9-февралдаги 89-03-772-сон маълумотномаси). Натижада олий мактабларда *Ватан* макроконцептига хос миллий кадриятларни фарқлаш ва ушбу кадриятларни воқелантирувчи этносемантик ва дискурсив-прагматик омиллар тўғрисидаги маълумотлар *Ватан* макроконцептининг семантик кўлами ва дискурсив тақдим этилиш билан боғлиқ ассоциатив экспериментлар, сўровномалар ўтказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 10та халқаро ва 14та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий матни 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг Кириш қисмида мавзунинг диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ҳимояга олиб чиқилган асосий мазмунлар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг концептуал асослари” деб номланган биринчи бобда жаҳон тилшуносларининг *Ватан* макроконцепти юзасидан олиб борган илмий изланишлари таҳлил этилган. *Ватан* макроконцептини ўрганишнинг асосий аспекти келтирилган, *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептларининг тушунчавий таркиблари ва уларни воқелантирувчи лисоний бирликларни талқин қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг шарҳи берилган. Америка, инглиз ва француз лингвомаданиятлари материалида *Ватан* макроконцепти хусусиятларини ўрганишнинг асосида турган *макроконцепт мазмун структураси* муаммоси бўйича ишлардаги муҳим йўналишлар, мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар, шунингдек, амалга ошириладиган тадқиқотнинг назарий асослари аниқланган.

Ватан сўзи кўп ва кенг маъноли лисоний бирлик бўлиб, лисоний шахс онгида турли тафаккур соҳаларига боғлиқ ҳолда шаклланган кенг қамровли тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади. Ушбу тушунча инсон ҳақидаги фанларнинг кўпгина тармоқларида, хусусан, фалсафа, психология, тилшунослик, когнитология, маданиятшунослик, прагматика каби соҳаларида кенг қўлланади, у шахс ва ижтимоий гуруҳ, давлат, индивидуал ва ижтимоий қадриятларни боғлайдиган категориядир. Миллий лисоний шахс менталитетини кўриб чиқишни, замонавий дунёда шахс ёки гуруҳ фаолиятини таҳлил қилишни *Ватан* муаммоларига мурожаат қилмасдан, унинг тушунчалар, баҳолар ва қадриятлар тизимларидаги ўрнини, объектив мазмуни ва образларининг нисбатини англамасдан туриб амалга ошириш анча қийин. Бу ҳолат *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептларива уларнинг таркибий қисмлари таърифини аниқлаштиришни талаб қилади.

Хорижий ва маҳаллий тилшунослик фанида *Ватан* концептини ўрганишга бағишланган лингвистик тадқиқотлар доирасида тадқиқотчиларнинг эътибори кенг қиррали ушбу концептнинг лингвистик табиати билан боғлиқ қатор масалаларга, жумладан, *Ватан* концепти луғавий маъноларининг аниқлаштирилиши; *Ватан* маъносининг нафақат шахс, ижтимоий гуруҳ, умуман инсониятнинг, балки табиий, техноген ва маънавий объектларнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин бўлган макони нуқтаи назаридан талқин қилиниши; *Ватан* концептининг туғилган мамлакат, яъни *катта Ватан* ва туғилган жой, яъни *кичик Ватан* сифатида таърифланиши;

ватаннинг она сифатида тушунилиши; *Ватан*нинг шахс, ижтимоий гуруҳ ва жамият фаолиятининг қисман ёки тўлиқ маҳсули сифатида идрок этилиши; *Ватан* миллат мавжудлигининг маънавий моҳияти, унинг ақлий ва ахлоқий тузилиши, кадриятлар тизимининг тимсоли каби масалаларга қаратилган.

Америка, инглиз ва французларнинг миллий онгида шаклланган *Ватан* макроконцепти мазмунининг таркибий қисмларини ўрганиш жараёнида юзага келган асосий муаммолардан бири уларнинг тушунчавий маъноси билан боғлиқ муаммодир. Бугунги кунга қадар қанча баҳслар бўлса, шунча фикрлар сақланиб қолмоқда. *Ватан* макроконцептининг тушунчавий асосини аниқлаш муаммоси бўйича тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган ёндашувларни бешта асосий гуруҳга ажаратиш мумкин.

Биринчи концепцияга кўра, *Ватан* тушунчаси кенг маънода кимнингдир, ниманингдир пайдо бўлиш, келиб чиқиш жойини англатади, *туғулиш, пайдо бўлиш* семалари унинг асоси ва асосий омиллардан бири сифатида талқин қилинади. Ушбу ёндашувда *Ватан* аксиологик жиҳатдан нейтралдир, яъни у кадрият категорияси сифатида қаралиши мумкин эмас. Онтологик жиҳатдан, *ватан* доимо маълум чегараларга эга бўлган макондир.

Иккинчи йўналиш *Ватан* концептининг мазмунини аниқлаштириб, уни муайян давлат ва шахснинг фуқоролиги билан боғлайди: бу одам туғилган ва фуқораси бўлган мамлакат (*катта Ватан*), кимнингдин туғилган жойи (*кичик Ватан*). Ушбу ёндашувда *Ватан*нинг объективлиги, мавжудлиги кўрсатилади, бироқ у дунёқараш таркибий қисмдан маҳрум бўлиб, фақат сиёсий-географик объектдир²⁰.

Учинчи йўналиш тарафдорлари *Ватанда* фақат ривожланган онг ва психикага эга бўлган тирик мавжудотга хос иродали хусусиятларнинг мавжудлигини тасдиқлайди. *Ватан* асосан онанинг аёл образи билан боғланиб, унинг асосий мақсади ва вазифаси туғиш ва одам ёки халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишдир²¹. Ушбу ёндашувда, назаримизда, рационализм етишмайди, борлиқни тушунишнинг образли ҳиссий йўли билан боғлиқлиги эътироф этилмайди. Яшайдиган ҳар қандай тирик мавжудотнинг ҳаёти ўлим билан тугайдиган маълум бир чизикли жараёндир, демак, *Ватан*нинг мавжудлиги ҳам жуда чекланган ва аниқланмаган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тўртинчи ёндашув *Ватан*ни шахс, ижтимоий гуруҳ ва жамият фаолиятининг қисман ёки тўлиқ маҳсули сифатида тушунишга асосланади. И.И.Сандомирскаянинг фикрича, *Ватан* тушунчаси табиий равишда яратилади, шакллантирилади, уни кўрсатиб бўлмайди, аммо ҳикоя қилиш мумкин. *Ватан* лисоний воситалар ва дискурс тамойиллари асосида яратилган мафкуравий белги бўлиб, жамоавий ўзини ўзи англашнинг рамзи, коммунал автомафология сиймоси, давлат тилининг парчаси ва дискурсив

²⁰Қиёсланг: Jean de Viguerie. Les Deux Patries: essai historique sur l'idée de patrie en France. P.: Dominique Martin Morin, 2017. – 261 p.

²¹СтрувеП. Б. Patriótica. Россия. Родина. Чужбина. СПб.: Изд-во РХГИ, 2000. - 349 с.; Ильин И. А. Родина и мы. Смоленск: Посох, 1995. - 511 с.

амалиётнинг корпусида намоён бўлади. *Ватан* метафораларнинг гуруҳи бўлиб, уларнинг призмаси орқали маълум бир ижтимоий конструкция концептуаллаштирилади²². Эътибор *Ватан* жуда катта қадриятга эга эканлигига, *ватан* номи ва образи билан ёритилган барча қадриятларни мафкуравий бахс ва кураш доирасида ҳақиқат ва эзгулик мақсадида ишлатиш мумкинлигига қаратилади.

Бешинчи йўналиш *ватанни* миллат мавжудлигининг маънавий моҳияти, унинг ақлий ва ахлоқий тузилиши, қадриятлар тизимининг тимсоли сифатида таърифлайди. *Ватан* қадрият, зиёратгоҳ сифатида, фақат диний зиёратгоҳ билан қиёсланади. У ўта муҳим нарса, зарурий маънавий қадрият бўлиб, усиз на ижод, на ҳақиқат, на ҳаётнинг ўзи бўлиши мумкин эмас²³. *Ватан* мазмунан объектив, мавжудлик шакли бўйича эса субъективдир, яъни фақат шахснинг ягона онгида ёки гуруҳнинг ижтимоий онгида мавжуд бўлади.

Homeland, Motherland, Patrie макроконцептлари тушунчавий таркибининг лисоний воқеланиш хусусиятлари тўғрисида тасаввурни шакллантириш мақсадида америка, инглиз ва француз лексикографик ва электрон манбалари таҳлилга тортилди. Мазкур макроконцептлар миллий лисоний онгда бевосита ва билвосита (ёки яширин) тақдим этилиши кузатилди. Уларни бевосита ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар миқдор жиҳатдан чегараланган, от сўз туркумига мансуб бўлиб, уларнинг семантик структуралари ҳар хил турдаги коннотация семалари билан фарқланиб туради: а) *Homeland, Motherland* доирасида: *The United States of America (USA, United States)* - 50та штат ва 1 та федерал округдан ташкил топган мамлакатнинг расмий номи, *England* - Буюк Брианиянинг бир қисми; *Great Britain (UK)* - Буюк Британия ва Ирландия Бирлашган Қироллиги; *home* – ватан, ареал (*habitat*); *land* - фақат яшаб турган халқ белгиси асосида мамлакат тушунчасини ифодалайдиган, кўпроқ поэтик тилда қўлланилиб, тантанаворлик, кўтаринкилик оттенкаларига эга сўз; *soil* - француз тилидан ўзлаштирилган, кўпроқ *ватан* (*foreign soil, unknown soil, native soil*) тушунчасини ифодалаб қордошлик белгисини кўрсатади; *country* - мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларининг ўзини англатади: *capitalist countries, hostile countries, foreign countries*; б) *Patrie* доирасида: *patrie* - ота юрт, миллат, давлат, мамлакат, ўлка, шаҳар, уй; *France (République française)* - мамлакатнинг расмий номи; *Hexagone* - харитадаги шакли бўйича Франция; *pays* - ҳудид, давлат, миллат; ватан, туғулган юрт, кичик шаҳар ва қишлоқ; *contrée* - мамлакат; ўлка; вилоят.

Homeland, Motherland, Patrie макроконцептларини билвосита ифодаловчи сўзлар миқдор жиҳатдан чегараланмаган, ҳар хил сўз туркумларига мансуб, ўз юрти/ўзга юрт маъносини ифодаловчи лексик бирликлардир (1- жадвалга қаранг).

²²Сандомирская И. И. Книга о Родине. Опыт анализа дискурсивных практик. Wien: Gesellschaft zur Förderung slawistischer Studien, 2001. – S. 12-23.

²³Федотов Г. П. Судьба истребленной России: в 2 т. Т. 1. СПб.: София, 1991. – С. 108.

Homeland, Motherland, Patrie макроконцептларини билвосита кўрсатувчи сўзларнинг морфо-статистик тавсифи

Лексик бирликлар	<i>Homeland, Motherland</i>	<i>Patrie</i>
Отлар	88	79
Отли иборалар	4	4
Сифатлар	29	28
Феъллар	19	19
Феълли иборалар	9	9
Равишлар	12	12
Равшли иборалар	1	1
Жами	162	152

Homeland, Motherland, Patrie макроконцептларининг мазмун тузулишини ёритиш жараёни, табиийки, нафақат тушунчавий таркибнинг, балки миллий менталитетни шакллантирадиган образли ва қадриятли таркибларнинг ҳам мавжудлигига асосланади. Образли ва қадриятли таркиблар тушунчавий таркибга нисбатан кенгроқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу таркибий қисмларни ўрганиш *Ватан* образи қандай воситалар ва инструментлар билан шаклланишини изоҳлаш, керакли образни илдиз оттиришнинг услубий тамойиллари қанақа бўлишини аниқлаш, қайси қадриятлар *Ватан*ни идеаллаштириш учун ғоявий жиҳатдан аниқланган ҳаракатларга қаршилиқ кўрсатиши ва бошқа қадриятларга қарама-қарши қўйилиши мумкинлигини белгилаш каби муаммолар ўз долзарблигини сақлаб қолганини кўрсатди.

Тадқиқотнинг **«Кичик Ватанга хос образли тасаввурларнинг лисоний тақдим этилиши»** деб номланган иккинчи боби *кичик Ватан* тушунчаси тараққиётидаги деривацион жараёнлар, пойтахт шаҳарлар ва астионимлар ҳақида миллий онгда шаклланган аксиологик семали этноспецифик фикрларни тизимлаштиришга бағишланган.

Диссертацияда ватан тушунчаси деривацияси деганда, америка, британ ва француз маданиятларида аллақачон мавжуд концептуал шаклланишлар асосида инсоннинг концептуал тизимида билим янги структурасининг пайдо бўлишини таъминлайдиган когнитив жараён тушунилади. *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептлари мазмунини шакллантиришга асос бўлган экстралингвистик омилларни адекват идрок этиш учун *кичик Ватан* ва *катта Ватан* тушунчаларининг мазмуни хусусидаги ўзаро нисбатни ўзлаштиришнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу жараёнда, камида, ҳар бир маданият тараққиётига хос бўлган деривация жараёнларини бир-биридан фарқлаш талаб этилади. Ишда *кичик Ватан* тушунчасининг мазмун тараққиётидаги деривация жараёни кенгайиш, торайиш ва чуқурлашиш моделлари бўйича амалга оширилиши ёритиб берилган.

Кенгайиш тури бўйича деривация жараёни *homeland* макроконцепти таркибидан ўрин олган *кичик Ватан* ларга хос бўлиб, *янги Ватан* структураларини шакллантирувчи элементларнинг пайдо бўлишига олиб келади. *Янги ватан* структурасида *янги кичик Ватан* элементларининг пайдо бўлиши асосан субординат даражада содир бўлади. Замон кесимида *янги Ватанлар* анча ҳаракатчан ва асосий даражадаги *катта Ватанга* нисбатан ўзгарувчандир. Маълумки, Америкага келган илк кўчманчилардан оммавий тенглик тамойили асосида пайдо бўлган янги “миллат” муайян жамоадан иборат бўлиб, умумий ҳудуд ёки оилавий алоқалар билан эмас, балки ғоявий жиҳатдан бир-бирига мустаҳкам боғланган. *Янги Ватанни* топиш жараёни бу шахсни ўзининг янги уйига айланадиган жой билан боғлайдиган ҳар хил турдаги муносабатларни шакллантириш жараёни бўлиб, унинг давомида шахс кетма-кет барча “ижтимоий мансублик доираларни” босиб ўтади, олдин оила аъзоси, сўнгра маълум бир жойда, провинцияда яшовчи жамоа аъзоси ва, ниҳоят, янги *кичик* ва *катта Ватанга* эришган ҳолда янги давлат фуқаросига айланади²⁴.

Америкаликларнинг олам манзарасида “ўз” макони” *катта Ватан* билан боғланади. *Катта Ватан кичик Ватанлар* жамоасига кирадиган, мустаҳкам ришталар билан боғланган барча шахсларнинг бирлашмаси, конгломерати сифатида пайдо бўлади. *Кичик Ватан катта Ватан* ташқарисида тасаввур қилинмайди ва фақат катта ватан фонида идрок этилади: We cannot remove our two sections from each other, nor build an impassible wall between them. A husband and wife may be divorced, and go out of the presence and beyond the reach of each other; but the different parts of our country cannot do this²⁵. *Homeland* макроконцептининг таркибий қисми сифатида *кичик Ватан* тушунчаси мазмунининг тараққий этишида оммавий тенглик тамойили асосида пайдо бўлган янги жамоанинг янги кичик ватанни шакллантириш учун асос бўлган идеаллари, ғоялари ва тамойиллари муҳим рол ўйнаган.

Motherland ва *Patrie* макроконцептларининг таркибий қисми сифатида *кичик Ватан* тушунчаси мазмуни эса ўзаро боғлиқ учта сема иштирокида тараққий этган. Биринчидан, бу майда одамлар гуруҳларининг тарихий жиҳатдан дастлабки кичик ватани; иккинчидан, этник жиҳатдан ажралиб турувчи гуруҳ яшайдиган ва маълум сабабларга кўра катта ватандан нисбатан ажратилган ёки шунчаки мамлакатнинг қолган қисмидан ажратилган минтақа ҳудуди; учинчидан, ҳозирги кунда ўз катта ватанининг бошқа географик нуқтасида яшайдиган, аммо кичик ватан ҳақида хотираларини сақлаб қолган шахснинг туғилган жойи.

Motherland макроконцепти структурасида кенгайиш тури бўйича деривацион жараён билан бир қаторда, тескари жараён, яъни “эҳтимолли торайиш” тури бўйича деривация жараёни ҳам кузатилади. Деривациянинг ушбу тури Буюк Британияда Шотландия, Уэлс, Шимолий Ирландия каби

²⁴Crevecoeur M. What is an American? // Reflections on America and Americans. Washington, 1988. - P. 1-11.

²⁵Lincoln A. Lincoln's First Inaugural Address // A Nineteenth Century American Reader. Washington: UnitedStatesInformationAgency, 1995. - P. 343.

кичик ватанлардан, хусусан, Шотландиянинг мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича 2014 йил 18 сентябрда ўтказилган референдумда намоён бўлди²⁶. Буюк Британия таркибида кичик *Ватан* бўлиб қолмаслик, мустақил миллий идентикликка эришиш истаги Шимолий Ирландия аҳолисининг миллий онгида ҳам шаклланган²⁷.

Patrie макроконцепти структурасининг таркиби сифатида *petite patrie* мазмунининг тараққиётидаги деривацион жараёнлар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, тарихий-географик макон нуқтаи назардан, *petite patrie* тушунчаси ўрмонлар ва олтин далалар, узумзорлар, боғлар, яшил ўтлоқлар, дарёларни мужассамлаштирувчи *terre* (ер) семасига эга бўлиб, у худудий анъанавий маданият, қишлоқ дунёси билан боғланган, ер ҳам даромад, ҳам фаровонлик манбаи бўлган. *Petite patrie* мазмуни шаклланишида “зулм ва эркисизлик йўқ бўлган жой” семаси муҳим ўрин тутган, унда ер мустақил қадрият сифатида қабул қилинади. Иккинчидан, *petite patrie* тушунчаси ўзида аёл тимсолини мужассамлаштирган, болаларини сут билан эмизган “*mère*” (она). “*Mère-petite patrie*” маъноси муҳаббат ғояси билан бойитилган. Айнан шу маъно *patrie* (ватан) тушунчасида “Францияга муҳаббат” семасининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган ва кейинчалик “*mère-petite patrie*” ва муҳаббат ғояси *Patrie* макроконцептининг “қахрамон аёл” таркибини шакллантирган²⁸. Буюк Британияликлардан фарқли ўлароқ, французларнинг концептуал онгида регионал идентиклик ва миллий идентиклик бири-иккинчисига қарама-қарши қўйилмайди, аксинча, бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайди, миллий қадрият сифатида қабул қилинмайди. *Petite patrie* туйғуси бўлган тақдирдагина *Patrie* туйғуси тўла бўлиши мумкинлиги француз миллий қадрияти мақомида идрок этилади.

Деривациянинг чуқурлашиш жараёнида метафора, метонимия ва ўхшатишнинг когнитив механизмлари асосида *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептларнинг турли хил концептуал белгилари ривожланади. Бу ҳолат *катта Ватаннинг кичик Ватанлар* билан ўзаро алоқасида асосан содир бўлади. Чуқурлашиш – бу шундай деривацион жараёнки, бунда *кичик Ватан* структураси метафора ва метонимия характеридаги фразеологик ва паремиологик бирликларда воқеланадиган янги концептуал белгиларнинг пайдо бўлиши ҳисобига “чуқурлашади”. *Кичик Ватанни* номловчи лексемани ўз ичига олган паремия ва фразеологизмлар ушбу тушунчанинг “номинатив майдонида” киради, уларнинг маъносини таҳлил қилиш тегишли *кичик Ватаннинг* баъзи белгиларини аниқлашга имкон беради²⁹.

Америка, инглиз ва французларнинг ментал ва лисоний онгида ўз маконининг пойтахтлари ва астионимлари *Homeland, Motherland, Patrie*

²⁶Референдум о независимости Шотландии 18 сентября 2014 года//[Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

²⁷Глава партии "Шинн Фейн" призвал к референдуму в Северной Ирландии. РИА Новости (19 сентября 2014). Дата обращения: 19 сентября 2014.

²⁸Aulard François Alphonse. Le Patriotisme français, de la Renaissance à la Révolution, Paris, E. Chiron, 1921. – 283 p.

²⁹Қиёсланг: Попова З.Д., Стернин И. А. Семантико-когнитивный анализ языка: монография. - Воронеж: Истоки, 2006. – С. 128-129.

макроконцептларининг энг муҳим таркибий қисми – *кичик ватан* сифатида намоён бўлади. *Кичик Ватан* сифатида идрок этиладиган Америка, Буюк Британия ва Франция шаҳарлари тўғрисида электрон манбаларда тақдим этилган статистик маълумотлар куйидаги жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал.

***Кичик Ватан* сифатида идрок этиладиган Америка, Буюк Британия ва Франция шаҳарлари тўғрисида статистик маълумотлар**

№	БМТ терминологиясига кўра шаҳарлар	АҚШ (2019)	Буюк Британия	Франция (2013)
1	Мегаполис ³⁰ 10 млндан ортик	-	-	-
2	Энг йирик шаҳар 1 млндан ортик	10	2	1
3	Йирик шаҳар 250000-1млн	78	19	7
4	Катта шаҳар 100000-250000	229	20	33
5	Ўрта шаҳар 50000-100000	30 мингга яқин	12	84
6	Кичик шаҳар 50 минггача	30 мингга яқин	15	146

Homeland макроконцепти доирасида америкаликларнинг лисоний онгида пойтахт шаҳарлар тўғрисида шаклланган образли тасаввурларнинг аксарияти Нью-Йорк шаҳри билан боғланган: *The Empire City*-империя шаҳри; *The Big Apple* – катта олма (Нью-Йоркнинг рамзи); *Father Knickerbocker* - Нью-Йорк шаҳри; *New York's finest* - Нью-Йорклик полициячиларнинг лақаби. Нью-Йорк норасмий номлар билан ҳам тақдим этилади: *The Great American Melting Pot* (Буюк Америка эритиш қозони³¹), *Gotham* (Готам), *The City that Never Sleeps* (Ҳеч қачон ухламайдиган шаҳар). Вашингтон шаҳри тўғрисидаги тасаввурлар унинг объектив ҳолатини акс эттирувчи лақаблар кўринишида намоён бўлади: расмий лақаб – *Evergreen state* – Вашингтон шаҳри; шаҳар статуси - *the Federal City* – Вашингтон шаҳри (сўзма-сўз: федерал шаҳар, пойтахт); шаҳар майдони - *the City of Magnificent Distances* – Вашингтон (сўзма-сўз: катта проспектлар (кенг кўчалар) шаҳри).

Инглизларнинг лисоний онгида *Лондон* тушунчасининг образли таркиби *urban area* ва *capital city* (*town, borough, city, emporium, cosmopolis, metropolis, agglomeration, conglomeration, conurbation, sprawl, megalopolis, capital*) каби лексик birlikлари воситасида вербаллашади. Лондон образлари шаклланишида иштирок этган когнитив метафоралар воситасида ҳам ижобий, ҳам салбий тасаввурлар тақдим этилган.

³⁰ БМТ терминологиясига кўра, мегаполислар – аҳолиси 10 миллиондан ортик бўлган шаҳар агломерациялари, [Demographia 2009].

³¹ Бу ерда ва кейинги ҳолатларда таржима муаллиф томонидан қилинган.

Ижобий тасаввурларнинг мазмун кўлами: 1) *разбатлантириши, устунлик, қойил қолиши, орзу қилиши*: his favourite game was ... to gabble out, like an antra, like a spell, the six letters of his dream-city, 'Ellowen deeowen London'; 2) *буюк шаҳар*: Go where we may - rest where we will /Eternal London haunts us still (Moore), this mercantile Babylon (Manby Smith); 3) *тижорат пойтахти*: the capital of commerce (Ewing Ritchie); 4). *Маммон ибодатхонаси*: It is a city of saints and sinners, where God and Mammon have each their temples and their crowds of worshippers; 5) *жаннат/Аркадия*: Swete paradise precelling inpleasure (Dunbar); 6) *театр*: great stage where senators, tongue-favoured men perform, admired and envied (Wordsworth); 7) “Swinging London” (тебранувчи Лондон) – Лондоннинг лақаби; 8) The capital of the world - Британия империяси даврида Лондоннинг норасмий номи.

Салбий тасаввурларнинг мазмун кўлами: 1) камситилиш, маъқулламастик, кўрқув: *Polluted city, unbelieving city, city of deadfish and worn-out frying-pan*; 2) хунук, касалга ўхшаб улғайган шаҳар: а) шиш/ўсимта: But what is to be the fate of the great wen of all The monster, called 'the metropolis of the empire' (William Cobbett); б) ботқоқ, саҳро/унумсиз ер: a town ... set in the midst of a white wilderness surrounded by waste places (Machen); в) қамоқхона: What's this we are doing / In this grim net of London, this prison built stark (Morris); г) қабр: a dense fog ... rendered the vast City one huge sepulchre (Ewing Ritchie); д) дўзах (жаҳаннам): Hell is a city much like London / A populous and asmokey city (Shelley); 3) The Big Smoke (ёки The Great Smog) (Катта тутун) – Лондоннинг норасмий номи; 4) The Great Wen - Лондоннинг норасмий номи.

Patrie номлари ватан ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида *Ватан* пойтахти тўғрисида французларнинг миллий онгида шакллланган образли тасаввур ва баҳоларни қатор лисоний воситалар орқали акс эттиради: а) нейтрал номлашлар орқали: *Lutèce, Paris, Parfum Lutèce, Hotel de Lutèce*; б) арготик баҳоловчи номлашлар орқали: *la Ville Lumière, Parouart, Pantruche, Paname*; в) перифрастик бирикмалар воситасида: *la plus belle ville du monde* - Парижнинг ягона архитектура ядгорлиги, ҳайкалторошлик, парк ва ландшафт санъати шаҳри сифатидаги визуал образи тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Сифатнинг орттирма даражаси “аъло даражадаги” шаҳар, Ер юзидаги идеал жой образини акс эттиради: *Il fait beau dans la plus belle ville du monde* (film de Valerie Donzelli: 2008), *la ville romantique, la ville des amoureux, la capitale du luxe, la capitale de la mode* каби лисоний бирикмалар Парижнинг кўп қиррали ‘идеал шаҳар’, ‘севишганлар шаҳри’, ‘мода шаҳри’ ва бошқа образларини воқелантириб, ушбу тушунчанинг энг муҳим соҳаларини тавсифлайди.

Астионимлар тўғрисида америкаликларнинг фон билимларида мужассамлашган тасаввурлар асосида ҳар бир астионим билан боғлиқ бир ёки бир неча турдаги этносемантик ва этномаданий омиллар туради. Турли лисоний усул ва воситалар билан қуйидаги тасаввурлар тақдим этилган: а) *шаҳар табиати*: City of the Falls – шаршаралар шаҳри (Louisville), the Forest City – шаҳар-ўрмон (Cleveland), the City of One Hundred Hills – юз тепаликлар шаҳри (San Francisco), The Windy City ёки Big Windy (Chicago); б) *иқтисодий ва маданий ҳаётнинг маркази*: Beantown, The Hub (Boston); Capital of the

West (Denver), Insurance Capital of the World (Hartford), Oil Capital of the World (Tulsa), The Motor City или Motown (Detroit), World's Leading Convention City, The Second City (Chicago); в) *дунё томонлари*: the Gate City of the South (Atlanta), the Queen City of the West (Cincinnati), Crossroads of the Continent (Chicago); г) *диний образлар*: city of Angels (Los Angeles); д) *queen (малика) лақаби*: Queen City of the Lakes (Chicago), Queen City of Vermont (Burlington), Queen City of the Upper Lakes, The City of Good Neighbors (Buffalo), Queen City of the Plains (Denver), Most Interesting City in the USA (New Orleans), America's Most Beautiful City (Savannah); е) *сабзавот ва мева номдаги лақаб*: The Big Onion (Chicago), The Big Orange (Лос-Анджелес), The Big Pineapple (Honolulu), Peach Capital (Nashville), Big Tomato (Sacramento), The Little Apple (Manhattan), The Mini Apple (Minneapolis).

Британ астионимларининг номларида Буюк Британиянинг тарихи муҳрланган. Астионимнинг бирламчи номи воситасида британияликларнинг билим фондида шаклланган шаҳар ҳаёти билан боғлиқ куйидаги ҳудудий этносемантик тасаввурлар тақдим этилган: а) *римликларнинг ҳарбий лагерлари*: Lancaster, Leicester, Manchester; б) *шарқий англларнинг ерларида учрайдиган "қишлоқ", "шаҳар"*: Birmingham ёки Brighton ва инглиз-саксонча дарё номи, кечуви, куйилиши: Cambridge, Oxford, Portsmouth; в) *Британиянинг шимоли ва ғарбидаги келт шаҳарлари*: Penzance, Llandudno (Ллан - церковь), Loch Ness; г) *викинглар яшаган шимоли-шарқда тарқалган скандинавча "шаҳар", "қишлақ"*: Grimsby, Derby.

Британ астионимлари номларидан ҳосил бўлган ибораларда ҳар бир шаҳарга хос образли тасаввурлар таъкидланади: а) Bridport dagger *жаллоднинг арқони* (Bridport арқон, чилвир, тўр ишлаб чиқариши билан машҳур); б) Bristol milk/cream – *кучли узум виноси* (Bristolда ароқ заводи жойлашган); Ships here and Bristol fashion – *жой-жойида; батартиб* (Бристоль порт шаҳри сифатида танилган); dressed up like a Bristol pin-merchant - *кийимлари яп-янги, чақмоқдай кийинган* (Bristolда пўлат ишлаб чиқариш заводлари жойлашган); в) The quickest way out of Manchester - *ҳақиқатдан қочиш* (Англиянинг шимолий ғарбидаги шаҳар); г) to carry coals to Newcastle - *бемаъни иш билан шуғулланмоқ* (Англиянинг шимолий-шарқида жойлашган шаҳар); д) as true as Ripon steel - *ишончли, содиқ, ҳақиқий* (пўлат ишлаб чиқариш заводлари жойлашган шаҳар).

Француз шаҳар номидан ҳосил бўлган иборанинг ички образини шакллантиришда французларнинг куйидаги фон билимлари муҳим роль ўйнаган: а) *образли ўхшатишлар, таҳаллуслар*: représenter les armes de Bourges – *аҳмоқ бўлмоқ*; aigle de Meaux – *Мо бургути*; il ressemble aux anguilles de Melun, il crie avant qu'on ne l'écorche – *сўзма-сўз*: Мелённинг бўжамаларига ўхшайди, терисини шилмасдан олдин қичкиради; б) *сўз шаклларининг ўхшашлиги*: aller / battre à Niort (Ньорда урушмоқ) – рад қилмоқ, инкор қилмоқ; aller à Rouen – *жиной муҳитга тушмоқ* (сўзма-сўз: Руанга жўнамоқ). Rouen va rouer "урмоқ, саваламоқ", ruiner "йўқ қилмоқ" сўз шаклларининг ўйинига асосланган; envoyer à Vatan – *қувуб чиқармоқ, ҳайдаб юбормоқ* (сўзма-сўз: Ватанга юбормоқ). Va-t'en "кет, жўна" ибораси ва Vatan

сўзи талаффузларидаги ўхшашлик асосида яратилган; в) *тарихий воқеалар*: faire la conduite de *Grenoble*- 1) душманларча кутиб олмоқ, ҳуштак чалиб норозилик билдирмоқ; 2) уйдан ҳайдаб чиқармоқ (сўзма-сўз: Гренобл кузатишларини ташкил қилмоқ); lent comme Jean de *Lagny* – жуда секин (сўзма-сўз: Ланъилик Жандай имирсираган); il a été à *Saint-Malo* (les chiens lui ont mangé les os) - 1) у жуда ориқ; 2) унинг оёқлари жуда ингичка (сўзма-сўз: у Сен-Малода бўлган, итлар унинг аёқ болдирларини ғажиб ташлаган); г) *касбга оид муносабат*: arriver avec les pompiers de *Nanterre* – кечикиб келмоқ (сўзма-сўз: Нантерр ўт учирувчилари билан бирга келмоқ); д) *уйдирма, дув-дув гаплар*: il vient de *Marseille* уйдирмаларни бўрттирмоқ, ёлгон-яшиқларни қўшиб гапирмоқ; cela fera du bruit à *Landerneau* (ҳазил.) – кичик бўлса-да одамларда қизиқиш ўйғата оладиган қандайдир янгилик ҳақида (сўзма-сўз: бу Ландернода дув-дув гап қилади).

«*Катта Ватанга хос миллий қадриятларнинг дискурсив тақдим этилиши*» номлиучинчи бобда *катта Ватанга хос миллий қадриятларни белгилашнинг дискурсив мезонлари, Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептига хос америка, британ ва француз қадриятларининг дискурсив тақдим этилишини таъминлайдиган лингвопрагматик омиллар таҳлил қилинган.

Homeland макроконцептига хос қадриятлар “ҳамма одамлар тенг яратилган” ва “яшаш, эркинлик ва бахтга интилиш” ҳуқуқларига эга, деб эълон қилган *Мустақиллик Декларацияси* тамойилларига асосланади. Булар - honesty and hard work, courage and fair play, tolerance and curiosity, loyalty and patriotism, individualism and work for the future, competition and free enterprise. Ҳар бир америкалик учун вақт ниҳоятда муҳим қадриятдир: «Time is money». Индивидуализм қадрияти америка маданиятида алоҳида ажралиб туради: «Self-made man» («Ўзини ўзи ясаган одам») XX-XXI аср Америка идеалидир. *American Dream* Америка Қўшма Штатларининг миллий ахлоқи бўлиб, ижтимоий, ирқий ёки этник келиб чиқишидан қатъи назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун фаровонлик, муваффақият ва ижтимоий поғона бўйича юқорига кўтарилиш имкониятини назарда тутадиган *democracy, civil rights, freedom, equality, opportunity* каби идеалларни ўз ичига олади.

Ушбу қадриятлар Америка президентлари дискурсида кенг миқёсда ўз ифодасини топган. Айниқса, *freedom, individualism, equality of opportunities, the rule of law, fair play, privacy* қадриятлари кўпроқ Барак Обама нутқларида, *loyalty, patriotism, unity, solidarity, courage, goodness, love* қадриятлари Дональд Трамп нутқларида ажратиб кўрсатилган. Иқтисодий инқироз даврига тўғри келган Жорж Буш нутқларида эса асосий эътибор *freedom, liberty* қадриятига қаратилган бўлиб, президент ушбу қадриятни *homeland* концептининг қадриятли элементлари демократия, озодлик, тенглик сифатида эълон қилади, ватан вазифаларининг стратегиялари доирасида ва америка миллий маданиятнинг соҳиби ва ифодаловчиси сифатида *freedom, liberty* қадриятига 168 марта мурожаат қилади.

Motherland макроконцептига хос қадриятларни миқдор ва сифат белгилари бўйича номлаш тизимида иккита жараён: а) анъанавий британ

қадриятларининг тарихан британ маданияти асосида шаклланиши ва б) “Асосий британ қадриятлари”нинг Буюк Британия Бирлашган Қироллиги ҳудудининг яхлитлигини сақлаб қолиш воситаси сифатида ҳужжатларда расмийлаштирилиши сифат жиҳатдан ажралиб туради.

Британ анъанавий қадриятлар тизимини ташкил этган individualism, positive thinking, material prosperity, freedom, independence, restraint of emotions, privacy, equality, traditionalism, tolerance, home comfort, diligence, fair play каби қадриятларни дискурс материаллари асосида ўрганиш британ менталитетини, коммуникатив хатти-ҳаракатларининг хусусиятларини яхшироқ тушунишга имкон беради. XX асрнинг охирида пайдо бўлган “Асосий британ қадриятлари” тушунчасини расмий шакллантириш тарихида урта муҳим воқеа ажралиб туради: 2005 йилда Лондонда содир бўлган портлашлар, 2011 йилда “Терроризмнинг олдини олиш стратегияси”нинг нашр этилиши ва 2014 йилда Британиянинг асосий қадриятларини тарғиб қилиш бўйича ўқитувчилар учун бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларнинг нашр қилиниши. Ушбу воқеалар нафақат Қироллик ҳудудининг яхлитлигини сақлаб қолиш ва айни пайтда терроризмга ва экстремизмга ҳамда Буюк Британия аҳолисининг радикаллашувига қарши курашишни “Асосий британ қадриятлари” таърифларига киритиш зарурлигини, уларни ўзлаштириш ва улуғлаш орқалигина ватан равнақиға эришиш мумкинлигини асослади.

Буюк Британия сиёсий раҳбарларининг нутқларида “Асосий британ қадриятлари” қуйидагича миқдор кўринишга эга:

Бош вазирлар	Британ қадриятлари
Тони Блэр	fair play, creativity, tolerance, an outward-looking, approach to the world, openness and adaptability, work and self-improvement, strong communities and families [http://news.bbc.co.uk/2/hi/uk_politics/693591.stm]
Гордон Браун	a sense of duty, fair play, individual freedom, including from the monarch and the state, tolerance in relation to religious and political views [https://www.theguardian.com/politics/2004/jul/08/britishidentity.economy]
Дэвид Кэмерон	a belief in freedom, tolerance of others, accepting personal and social responsibility, respecting and upholding the rule of law, parliamentary democracy, equality.
Тереза Мэй	Parliamentary Sovereignty, Parliamentary democracy, accountable and democratic government, national self-determination, tolerance, union [http://www.telegraph.co.uk/].

Ушбу қадриятларни дунёнинг бошқа мамлакатларидаги одамлар ҳам баҳам кўришади, аммо уларни ўзига хос британ қадриятларига айлантирадиган нарса шундаки, улар эркинликларнинг Буюк харитаси (Magna Carta), урф-одатлар ва ҳокимиятнинг тегишли институтларидан бошлаб бутун британ тарихи давомида мустаҳкамланган [http://www.dailymail.co.uk/]. Буюк Британияни ташкил этувчи тўртта

давлатга нисбатан «union» тушунчаси Британия жамияти учун асосий ижтимоий-сиёсий қадриятдир. Баҳоловчи ҳукм «precious union» (қимматбаҳо иттифок) ушбу қадриятнинг муҳимлигини тасдиқлайди: “*We well put the preservation of our precious Union at the heart of everything we do. Because it is only by coming together as one great union of nations and people that we can make the most of the opportunities ahead*” [<http://www.telegraph.co.uk/>].

Patrie макроконцептига хос қадриятлар президент нутқларида билвосита *valeur* сўзи орқали: *Mes valeurs sont celles de la droite républicaine. Ce sont des valeurs de mérite, de tolérance, de respect, de dignité, d’ordre, de responsabilité, de liberté* [<http://www.u-m-p.org/site/index.php>.] ҳамда *liberté, égalité, fraternité, France, les Français, République française, peuple, nation, pays, démocratie, solidarité* лексемалари орқали намоён бўлади³²: *Ma France, c’est une nation ouverte, accueillante, c’est la patrie des droits de l’homme. C’est elle qui m’a fait ce que je suis. J’aime passionnement le pays qui m’a vu naître* [<http://www.u-m-p.org/site/index.php>].

Президент дискурсида тақдим этилиш частотаси бўйича қуйидаги француз қадриятлари алоҳида ажралиб туради.

Қадриятнинг номи	Nicolas Sarkozy нутқларида	François Hollande нутқларида	Emmanuel Macron нутқларида
France (elle)	214	197	248
les Français, -es	104	71	116
République française	118	55	74
peuple	56	39	71
pays	37	36	63
démocratie	35	42	59
liberté	32	29	64
Identité française	29	26	49
solidarité	26	22	38
valeur	4	3	3

France, les Français, République, peuple, pays сўзларининг тез-тез ишлатилиши мамлакатни ривожлантириш ва халқ ҳаётини яхшилашда кўплаб режалар ва истиқболлар мавжудлигини, президентларнинг ватан муаммоларини ҳал қилишга қизиқишини кўрсатади. Республикани ўз номи билан атаган ҳолда, президент нутқни соддалаштиради, мамлакат ва халқ орасидаги алоқани кўллаб-қувватлайди.

Дискурсада француз қадриятлари қуйидаги лингвопрагматик стратегиялар воситасида етказиб берилади: а) адресат билан бирлашиш стратегияси-«нимадир қадрият, чунки ҳамма бунга қизиқади»: *Mes valeurs sont les vôtres. Ce sont des valeurs de justice, d’ordre, de mérite, de travail, de responsabilité*; б) баҳоловчи-тавсифловчи стратегия: *La France redeviendra plus*

³²Bréchon Pierre. Les valeurs des Français: évolutions de 1980 à 2000, Paris: Armand Colin, 2003 (2000). – 351 p.; Декларация прав человека и гражданина 1789 г.: <https://www.legifrance.gouv.fr/Droit-francais/Constitution/>

forte et chacun d'entre nous le redeviendra aussi. Parce que la France est forte lorsqu'elle est rassemblée; в) қадриятни бир-бирига зид сифатга қарама-қарши қўйиш орқали уни тасдиқлаш стратегияси: «нимадир қадрият, чунки агар ушбу мақсад фойдасига танлов қилинса, у ёмон ҳодисадан қутилишга имкон беради»: Nous pouvons avoir la paix ou la guerre, la meilleure part de la civilisation mondiale ou le fanatisme, le dialogue des cultures ou l'intolérance et le racisme, la prospérité ou la misère, le développement durable ou la pire des catastrophes écologiques; г) кескин вазиятни моделлаштириш стратегияси - «нимадир - қадрият, чунки ушбу ҳодисанинг йўқ бўлиб кетиши ёки заифлашиши ёмон аҳволга олиб келади»: C'est notre capacité à vivre ensemble qui se trouve menacée; д) ваъда стратегияси: «нимадир – қадрият, мен шуни хоҳлайман ва мен бўлғуси президент сифатида шу учун курашаман» (ёки «нимадир – антиқадрият, ва мен унга қарши курашаман»): Je veux un Etat que les fonctionnaires soient heureux de servir et dont les Français soient fiers; е) талқин стратегияси муайян қадриятнинг маъносини очиб бериш, аниқлаштиришдан иборат: La France c'est un projet collectif, c'est la volonté de vivre ensemble et de construire ensemble; ё) аффектив стратегия: Vive la Republique! Vive la France! Rassemblons-nous!

ХУЛОСА

1. *Ватан* макроконцептини аниқлаш мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Илмий адабиётларда тақдим этилган таърифларда ушбу концептнинг муайян аспекти инобатга олинган ва қуйидаги энг муҳим тавсифлари тақдим этилган: а) *ватан* кенг қамровли тушунча сифатида илмий, психологик, бадиий, эмоционал, турмуш ҳодисалари ва вазиятлари ҳамда мантиқан боғлиқ бўлган белгиларни ўзида мужассам этади; б) *Ватан* макроконцептининг семантик асосини ватан олами тўғрисида ҳар бир халқнинг миллий онгида шаклланган образли тасаввурлар, миллий қадриятлар ташкил этади; в) *ватан* тушунчаси ҳар бир шахс онгида пайдо бўлган тасаввур, индивидуал ҳиссий образ асосида шаклланади; г) *Ватан* концептининг мазмун кўлами муайян тарихий давр ва маконга, миллатга, маданиятга хос ўзаро боғланган тушунчаларда, лисоний бирликларда ва ассоциацияларда ойдинлашади.

2. Муайян тилнинг лексикографик манбаларидаги таърифларда *Ватан* концептининг мазмуни ва таркибий қисмлари ўша халқнинг оммавий онгида умумий интеграл белгиларга эга тушунчалар сифатида шаклланиши билан бир қаторда, ўзига хос миллий-маданий белгилари бўйича ҳам бир-биридан фарқланиб турадиган тушунчаларни воқелантиради. Ватан концептининг кенг тараққий этган структураси, ҳар бир халқ онгида умумлашган фикрларни, миллий-маданий қадриятларни воқелантирадиган бир нечта концептуал таркибий қисмлардан доимо иборат бўлади.

3. *Ватан* тушунчасининг оммавий онгдаги барқарорлиги унинг ядроси қадимдан мавжудлигига асосланади, унинг концептуал таркибий қисмлари ушбу ментал ҳосиланинг оммавий онгдаги кўп қирралиги ва мураккаблигини

кўрсатади ҳамда ушбу миллий концептуал мазмуннинг тиллараро ва маданиятлараро воқеланиш хусусиятларини тизимлаштириш масалаларини, миллий менталитетда *Vatan* образи қандай воситалар ва инструментлар билан шаклланишини изоҳлаш, керакли образни илдиз оттиришнинг услубий тамойиллари қанақа бўлишини аниқлаш, *Vatan* миллат мавжудлигининг маънавий моҳияти, унинг ақлий ва ахлоқий тузилиши, кадриятлар тизимининг тимсоли эканлигини ёритиб бериш каби муаммоларни кун тартибига киритади.

4. *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептлари нафақат сиёсатга, этикага ҳам, маданиятга ҳам бевосита алоқадор бўлган кўпўлчамли ментал ҳосилалардир. Этик категория сифатида бу тушунчаларинсоннинг туғилган ва яшаш жойига, ота-онаси ва болаларига, аждодлари ва авлодларига, давлатига ва халқига бўлган муносабатини тартибга солиб туради. Улар, шубҳасиз ҳаётий кадриятлар бўлиб, ҳар бир халқнинг дунёқарашида муҳим ўрин эгаллайди. Ментал ҳосила сифатида, мазкур тушунчалар аксиологик компонентдан ҳам, хурсандчилик, мағрурлик, миннатдорчилик ёки ихлоси қайтганлик билан боғлиқ ассоциациялар шаклида намоён бўлувчи эмоционал компонентдан ҳам иборат бўлади. Ҳар бир халқ ўзини ватан билан боғлайди, айрим эмоцияларни ҳис қилган ҳолда унга нисбатан ўз муносабатини шакллантиради.

5. *Homeland, motherland, patrie* лексемалари билан номланадиган макроконцептларнинг типологик модели тадқиқ қилинаётган макроконцептларни *катта Ватан* (“мамлакат номи”, “давлат”, “давлат атрибутлари”, “халқ”, “шахс” ва ҳ.з.) ва *кичик Ватан* (“ватан ичра ватан”, “макон”, “ўлка”, “шаҳар”, “уй” ва ҳ.з.) иерархиясидан иборат кўпсатҳли ҳодиса сифатида акс эттиради. Мазкур макроконцептлар доирасида шаклланган миллий маданий кадриятлар, образли тасаввурларни ўрганиш уларнинг лисоний воқеланишида намоён бўладиган миллий ўзига хосликларнинг мавжудлигини дифференциал тарзда белгилашни назарда туттади.

6. *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептларининг мазмуни асосида турган экстралингвистик омиллар ҳар бир маданият тараққиётида кенгайиш, торайиш ва чуқурлашиш моделлари бўйича амалга ошириладиган деривация жараёнлари билан ажралиб туради. *Homeland* макроконцептига хос кенгайиш тури бўйича деривация жараёни замон кесимида *янги Ватан* структурасида *янги кичик Ватан* элементларининг пайдо бўлишига олиб келади. *Янги кичик Ватан* муайян жамоадан иборат бўлиб, умумий ҳудуд ёки оилавий алоқалар билан эмас, балки ғоявий жиҳатдан биргина моддий манфаат ва имтиёзлар билан бир-бирига мустаҳкам боғланган. *Motherland* ва *Patrie* макроконцептлари таркибидаги *кичик Ватан* тараққиётида эса, аксинча, *янги ватан* семаси воқеланмайди. Тарихий нуқтаи назардан *Motherland* ва *Patrie* дастлаб *кичик Ватан* деб аталадиган макон бўлган ва кейинчалик ижтимоий-маданий, иқтисодий-сиёсий ривожланиш жараёнида тўлиқ маънодаги *катта Ватанни* ташкил қилган.

7. *Motherland* макроконцепти структурасида кенгайиш тури бўйича деривацион жараён билан бир қаторда, “эҳтимолли торайиш” тури бўйича деривация жараёни ҳам кузатилади. Деривациянинг ушбу тури Буюк Британия таркибидаги Шотландия, Уэлс, Шимолий Ирландия каби *кичик ватан*лардан бирининг, хусусан, Шотландиянинг мустақиллиги тўғрисидаги референдумнинг ўтказилишида намоён бўлади. Буюк Британияликлардан фарқли ўларок, французларнинг концептуал онгида регионал идентиклик ва миллий идентиклик бири-иккинчисига қарама-қарши қўйилмайди, аксинча, бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайди, миллий қадрият сифатида қабул қилинмайди. *Petite patrie* туйғуси бўлган тақдирдагина *Patrie* туйғуси тўла бўлиши мумкинлиги француз миллий қадрияти мақомида идрок этилади.

8. *Кичик Ватан* концепти мазмун тараққиётининг чуқурлашиши жараёнида унинг турли хил концептуал белгилари метафора, метонимия ва ўхшатишнинг когнитив механизмлари асосида ривожланади. Уларнинг маъносини таҳлил қилиш *кичик Ватан* - пойтахт шаҳарларнинг ўзига хос образларини аниқлашга имкон беради: Вашингтон шаҳри - *Evergreen state, the Federal City, the City of Magnificent Distances*; Нью-Йорк шаҳри - *The Empire City, The Big Apple, Father Knickerbocker, New York's finest, The Great American Melting Pot, Gotham, The City that Never Sleeps*; Лондон шаҳри - а) *The Big Smoke* (ёки *The Great Smog*), б) *The Great Wen*, в) “*Swinging London*”; Париж шаҳри - *la plus belle ville du monde, la Ville Lumière, Paname, la ville des amoureux, la ville romantique, la capitale de la mode, la capitale du luxe*.

9. Астионимлар тўғрисида инглиз ва француз тиллари соҳибларининг онгида шаклланган образли тасаввурлар астионим бирламчи номининг шаклланиши асосида турган этносемантик маълумотларни ҳамда астионим иккиламчи номининг вужудга келишига сабаб бўлган этномаданий ўзига хосликни акс эттиради. Бирламчи номлардан фарқли ўларок, иккиламчи номлар, аксарият ҳолларда, турғун сўз бирикмалари воситасида тақдим этилиб, фразеологик маънога эга бўлади. Улар асрлар қаъридан келадиган ахборотни берган ҳолда, шаҳарлар билан боғлиқ сирларни очиб беради.

10. *Homeland, Motherland, Patrie* макроконцептларига хос қадриятларнинг тузилиши ва мазмун кўлами турли хил географик, тарихий, диний омиллар таъсири остида шаклланган, турли маданият соҳибларининг онгида мужассамлашган этник тасаввурлар асосида таркиб топган. Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британи ва Франция аҳолисининг этник ва маданий таркиби ҳар хил бўлганлиги сабабли, уларни бирлаштирадиган ва уларга ягона давлатни сақлаб қолиш учун имкон берадиган қадриятлар ҳам миллий тавсифлари бўйича дифференциал белгилари билан бир-биридан ажралиб туради.

11. Муайян қадриятнинг миллий қадрият сифатида идрок этилиши ушбу қадрият белгиларининг дискурса микдор жиҳатдан вербал тақдим этилиши, унинг жамият ва мамлакат учун аҳамияти, мақсад, вазифа ёки кураш объекти сифатида намоёниш этилиши, у ҳақидаги тасаввурларни аниқлаштириш мезонлари асосида аниқланади.

12. *Homeland* макроконцепти доирасида турли мамлакатлардан келган мухожирлар дастлаб битта ғоя – Америка фуқаролик миллати учун асос бўлиб хизмат қилган “Америка орзуси” атрофида бирлашган ва шу аснода америка қадриятлари шаклланган. *Motherland, Patrie* макроконцептлари доирасида эса вазият бироз ўзгача кўринишга эга, бу мамлакатларда биринчи бўлиб фуқаролик миллати - инглизлар ва французлар пайдо бўлган ва шундан кейингина миллий маданий ривожланиш жараёни асосида ҳар бир миллатга хос қадриятлар тизими вужудга келган.

13. *Homeland* макроконцепти семантик таркибини ташкил этган *american dream, democracy, civil rights, liberty, freedom, individualism and privacy, fair play, equality of opportunities, independence and self-sufficiency, hard-work, self-supporting, aspiration to spiritual self-improvement, practicality and efficiency, legality, patriotism, informality* каби қадриятлар америка тарихи давомида шаклланиб, америкаликларнинг ҳаёт тарзини ўзига хос равишда акс эттиради. *Motherland* макроконцепти доирасида Magna Carta қадриятларидан “Асосий британ қадриятлари” гача бутун британ тарихи давомида шаклланиб келган энг муҳим қадриятлар орасида *democracy, rule of law, individual liberty, respect and tolerance, participation in community life, equality, fair play, work and self-improvement, positive thinking, emotional calmness, politeness* алоҳида ажралиб туради. *Patrie* макроконцепти доирасида *liberté, égalité, fraternité, patrie, France, République, nation, démocratie, solidarité, identité française* асосий қадриятлар сифатида француз тарихидан ўрин олган.

14. Миллат қадриятлар тизимининг ўзгартирилиши ёки қонунан расмийлаштирилишида мамлакат ҳудудида содир бўлган кескин ижтимоий-сиёсий ҳодисалар муҳим рол ўйнайди. Расмийлаштирилган асосий сиёсий қадриятлар эса ватан ҳудудининг яхлитлигини сақлаб қолиш воситаси сифатида қўлланади. *Motherland* макроконцепти таркибида бундай нисбатнинг мавжудлиги британ қадриятлар олами манзарасининг ўзига хослиги ҳақида гапиришга асос берди. Британ қадриятларнинг функционал-прагматик ўзига хос салоҳияти тегишли дискурсларда ўз аксини топади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ИСМАИЛОВ ТУРГУН САЛАХИДДИНОВИЧ

**ДИСКУРСИВНАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ ОБРАЗНЫХ
ПРЕДСТАВЛЕНИЙ И ЦЕННОСТЕЙ, ХАРАКТЕРНЫХ ДЛЯ
МАКРОКОНЦЕПТОВ “HOMELAND”, “MOTHERLAND”, “PATRIE”**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение,
сопоставительное языкознание и переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована за номером В2021.1.PhD/Fil.444 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский язык (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета www.samdchti.uz и Информационно-образовательном портале “Ziynet” www.ziynet.uz.

Нучный руководитель:	Носиров Абдурахим Абдумуталибович доктор филологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Насруллаева Нафиса Зафаровна доктор филологических наук, профессор Маматкулов Абдулхапиз Латипович кандидат филологических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

Защита диссертации состоится «24» декабря 2021 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.29.06.2019.Fil/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков. Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел.: (99866) 223-78-43; факс (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована под № 60860). Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел.: (99866) 223-78-43.

Автореферат диссертации разослан «16» декабря 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 36 от «16» декабря 2021 года).

И.М.Тухтасинов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук, профессор

Г.К.Мирсанов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, доцент

Ш.С.Сафаров

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитии мировой лингвистики в последние годы особое внимание уделяется изучению роли образных представлений и ценностей, присущих национальной культуре и менталитету того или иного народа, в повседневной жизни, и трактовка с учетом их национальных, культурных, политических и социальных характеристик является одним из актуальных вопросов. Коммуникативный потенциал образного представления и ценностей стал основным объектом изучения в таких областях, как когнитивная лингвистика, дискурсивная лингвистика, лингвокультурология, прагмалингвистика, стилистика. Особенно большое теоретическое и практическое значение имеет изучение прагматических аспектов аксиологических коннотаций, возникающих на основе взаимодействия ценностей в дискурсе с их родиной. Исследования в этой области позволяют определить онтологическую природу и лингвокогнитивный механизм человеческих отношений в контексте межъязыкового и межкультурного общения.

Сегодня в ведущих научных центрах мира вопросы изучения языковых единиц, выражающих эмоциональные и эстетические ценности человека с точки зрения языкового-речевого, культурного и национального менталитета в области лингвокультуры, приобретают актуальность как одна из приоритетных. На современном этапе развития общества аспекты изучения прагмалингвистических факторов, влияющих на дискурсивную реализацию образного представления и ценностей в межкультурной коммуникации в связи с процессами глобализации, включая создание международных организаций, проведение многоязычных конференций и конгрессов, публикацию международных периодических изданий становятся все более актуальным.

За годы независимости узбекское языкознание накопило опыт изучения систем образных представлений и ценностей, присущих жизни Родины, в применении современных принципов, творческом усвоении передовых идей в мировой науке. Подъем всестороннего сотрудничества Узбекистана с различными странами на новый уровень показал необходимость организации изучения и преподавания иностранных языков на основе культуры, менталитета, социальных отношений и мировоззрения отдельных носителей языка, а также проведения лингвистических исследований на более высокий уровень как в теоретическом, так и практическом аспектах. В то же время делается попытка гармонизировать прагмалингвистических принципы, важных для эффективности использования ценностей в межъязыковом и межкультурном общении, с правилами этикета, издавна продвигающимися в нашей национальной культуре. Поскольку приоритетом государственной политики является «Развитие нашей Родины, повышение научной среды в нашей стране, укрепление стремления нашего народа, особенно молодёжи, к

науке, дальнейшее развитие научно-технической и инновационной сфер”³³, то сравнительное изучение дискурсивной репрезентации образных представлений и ценностей, отражающих культуру, менталитет и национальную идентичность конкретного народа, использование выводов для улучшения научной среды в нашей стране становится очень важной и актуальной задачей.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, № УП-5847 от 8 октября 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, № УП-6108 от 6 ноября 2020 года “О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана”, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3775 от 5 июня 2018 года “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” и других нормативных правовых актов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан: 1. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Философский, исторический культурный и гендерный аспекты мира макроконцептов *Homeland*, *Motherland*, *Patrie* всегда привлекали и привлекают внимание ученых. В частности, ряд ученых посвятили свои исследования определению макроконцепта *Homeland*, характерного для американской культуры³⁴. Примечательная информация о макроконцепте *Motherland*, воплощающем британскую культуру, также представлена в трудах исследователей³⁵. Роль

³³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 179.

³⁴ Kingdon J.W. *America the unusual*. Boston, MA: Worth publishers, 1999. - 111 p.; Lipset S.M. *Continental divide: The values and institutions of the United States and Canada*. New York, NY: Routledge, 1990. - 337 p.; Tocqueville A.D. *Democracy in America*. New York: Vintage Books, 1990. -480 p.; Voss K. *The making of American exceptionalism*. Ithaca, NY: CornellUniversitypress, 1994. - 290 p.; Сандомирская И. И. Книга о Родине. Опыт анализа дискурсивных практик. Wien : Gesellschaft zur Förderungslawistischer Studien, 2001. - 281 S.; Гришина О.А. Актуализация концепта АМЕРИКА в современном русском языке // Концепт. Образ. Понятие. Символ: Коллективная монография / Отв. ред. М.В. Пименова. – Кемерово: Комплекс «Графика». 2004. - С. 209–222; Кожанов Д.А. Концепт “Homeland” в американской картине мира и способы его языковой репрезентации: Автореф. дис. ... канд.филол. наук. Барнаул, 2006. – 24 с.; Дугин А. Абсолютная Родина. Пути Абсолюта. Метафизика Благостной Вести. Мистерии Евразии. М.: «АРКТОГЕЯ - центр», 1999. - 752 с.; Урусова О.А. Америка // Антология концептов. Под ред. В.И. Карасика, И.А. Стернина. Том 2. Волгоград: Парадигма, 2005. – С. 4-24.

³⁵ O'Driscoll, James. *Britain. The country and its people: an introduction for learners of English*. – Oxford: Oxford University Press, 1995. – 225 p.; Kumar, K. *The Making of English National Identity*. – Cambridge University Press, 2003. – 382 p.; Hofstede, Geert H. *Cultures and Organisations: Software in the mind*. - London: McGraw-Hill

макроконцепта *Patrie* во французской культуре и присущая ему система ценностей стала объектом специальных диссертационных исследований³⁶. Ряд работ посвящен вопросам сравнительного исследования корпуса понятия *Родина*³⁷. Вопросы, косвенно связанные с формированием концептов и социальных ценностей³⁸, языковой деривацией и семантической категоризацией³⁹, дискурсивно-прагматическим аспектом языковых единиц и воссозданием национальной картины мира в переводе⁴⁰, также не остались без внимания. Однако комплексного исследования дискурсивной

Book company (UK) Limited, 1991. – 279 p.; Paxman, Jeremy The English: A Portrait of a People. – London: Penguin Group, 1999. – 308 p.; Фокс К. Наблюдая за англичанами. Скрытые правила поведения. – М.: Рипол Классик, 2008. – 512 с.; Майол Э., Милстед Д. Эти странные англичане/пер. с англ. И.Тогоевой. – М.: Эгмонт Россия Лтд., 2001. – 72 с.; Бутенко Е.Ю. Концептуальная парадигма мировоззренческого феномена “class” в аксиологической система британской лингвокультуры: монография. М.: Финансовый университет, 2014. – 228 с.; Овчинников В. Корни дуба. Впечатления и размышления об Англии и англичанах. № 4-7 – М.: Новый мир, 1979. – 608 с.; Подкопаева А.А. Вербализация художественного концепта "Home/House" в произведениях английских писателей XIX-XX вв.: Дисс. ... канд. филол. наук. Ставрополь, 2010. – 234 с.

